

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

МУБОРАК РАМАЗОН ОЙИНИ МУНОСИБ ТАРЗДА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Халқимиз учун эзгулик, саховат, меҳр-шафқат рамзи ҳисобланган муборак Рамазон ойининг ижтимоий ҳаётимизда ўзаро аҳиллик ва ҳамжихатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш борасидаги алоҳида ўрни ва аҳамиятини инобатга олган ҳолда ҳамда муқаддас ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини, унинг тинчлик, бағрикенглик, шукроналик каби олижаноб ғояларини кенг тарғиб этиш, диний-маърифий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуғлаш мақсадида:

1. 2018 йил муборак Рамазон ойининг бошланиши 17 май кунига ўтқарилиши ҳақидаги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши ва бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Рамазон ойини азалий анъана ва қадриятларимиз руҳида ҳар томонлама муносиб ўтказиш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга оширсин.

Жойларда Рамазон ойининг мазмун-моҳиятида муҳассам бўлган эзгу ғоялар, динимиз арконларини эъзозлаш, ҳозирги тинч ва осуда ҳаётимизнинг қадрига етиш, одамларни бир-бирига яхшилик қилишга, аҳил ва ҳамжихат бўлиб яшашга даъват этадиган, ёш авлодимизни Ватанга муҳаббат, миллий ва диний қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган маърифий тадбирлар ва тарғибот ишлари ташкил этилсин.

Ушбу муқаддас ойда ёрдамга муҳтож ва эҳтиёжманд кишиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оилалар ва маҳаллаларда меҳр-оқибат ва ўзаро ҳурмат муҳитини мустаҳкамлаш, буюк алломалар, азиз-авлиёларимизнинг зиёратгоҳларини, қабристонларни ободонлаштиришга қаратилган тадбирларни янада кучайтиришга алоҳида аҳамият берилсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ойини ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А. Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 11 май

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ФЕДЕРАЛ ДАВЛАТ АВТОНОМ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ «МИЛЛИЙ ТЕХНОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР УНИВЕРСИТЕТИ «МИСИС»НИНГ ОЛМАЛИҚ ШАҲРИДАГИ ФИЛИАЛИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Республика ишлаб чиқариш-саноат тармоғи учун юқори малакали муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш-ни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, олий техник таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, "Олмалиқ ТМК" АЖ, "Навоий КМК" ДК, Тошкент вилояти ҳокимлиги ва Федерал давлат автоном олий таълим муассасаси "Миллий технологик тадқиқотлар университети "МИСИС"нинг (Россия Федерацияси) Олмалиқ шаҳрида (Тошкент вилояти) Федерал давлат автоном олий таълим муассасаси "Миллий технологик тадқиқотлар университети "МИСИС"нинг филиалини (кейинги ўринларда Филиал деб юритилади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи-га розилик берилсин.

2. Қуйидагилар Филиал фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

республиканинг ишлаб чиқариш-саноат тармоғи учун муҳим илмий-технологик вазифаларни ҳал қилишга қодир юқори малакали муҳандис-техник кадрларни халқаро таълим стандартлари даражасида тайёрлаш;

металлургия, кончилик иши ва саноат ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқларида фундаментал ва амалий илмий тадқиқотлар олиб бориш;

мутахассислар ҳамда илмий кадрлар тайёрлаш тизимини таълим ва фаннинг узвийлиги ҳамда узлуксизлиги, шунингдек, жаҳон таълим ва илмий ҳамжамиятига мажбурий интеграция ҳисобига ривожлантириш;

муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва модернизация қилишга йўналтирилган янги таълим дастурлари ҳамда ўқитиш шакллари ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

таълим ва илмий фаолиятнинг ишлаб чиқариш-саноат фаолияти билан узвий интеграцияси учун шарт-шароитлар яратиш;

педагогик салоҳиятни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, педагогик технологияларни ва ўқитиш услубларини фаол такомиллаштириш;

таълим ва илмий-техник соҳаларда хорижий мамлакатларнинг етакчи таълим муассасалари, илмий-тадқиқот марказлари ҳамда бизнес-ҳамжамиятлари билан узоқ муддатли алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Филиал Федерал давлат автоном олий таълим му-

ассасаси "Миллий технологик тадқиқотлар университети "МИСИС"нинг (кейинги ўринларда – "МИСИС" МТТУ) алоҳида таркибий бўлими ҳамда кадрларга бўлган эҳтиёжни инобатга олган ҳолда, таълимнинг келишилган асосий йўналиш(мутахассислик)лари бўйича барча даражадаги мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни, жумладан, илмий-педагогик кадрлар тайёрлашни амалга оширадиган олий таълим муассасаси ҳисобланади;

Филиалда ўқитиш Ўзбекистон Республикаси давлат таълим стандартлари талабларини эътиборга олган ҳолда "МИСИС" МТТУ томонидан тасдиқланган ўқув режалар ва дастурлар бўйича амалга оширилади;

абитуриентларни қабул қилиш ва Филиал битирувчиларининг аттестацияси "МИСИС" МТТУ томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланган талаблар, тартиб ва муддатларга мувофиқ амалга оширилади;

Филиал битирувчиларига Ўзбекистон Республикасида олий таълим тўғрисидаги ҳужжат сифатида тан олинган "МИСИС" МТТУнинг белгиланган намунадаги дипломи берилди.

Давоми 2-бетда ➡

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

БУЮК АЛЛОМАЛАР, АДИБ ВА МУТАФАККИРЛАРИМИЗ ИЖОДИЙ МЕРОСИНИ КЕНГ ЎРТАТИШ ВА ТАРҒИБ ҚИЛИШ МАҚСАДИДА ЁШЛАР ЎРТАСИДА КИТОБХОНЛИК ТАНЛОВЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Бугунги кунда мамлакатимизда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида барча соҳа ва тармоқларда улкан ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бу борада жамият ҳаётида эзгу қадрият ва анъаналарни чуқур қарор топтиришга, хусусан, халқимиз, айниқса, ёш авлоднинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш, уларнинг қалбида она Ватанимиз ҳамда халқимизга муҳаббат ва садоқат туйғусини кучайтириш, баркамол

шахсни тарбиялашда бекиёс аҳамиятга эга бўлган китобхонлик маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қадимий ва бетакрор диёримиздан етишиб чиққан буюк аллома, адиб ва мутафаккирларимизнинг юксак гуманистик ғояларга асосланган бой маънавий мероси умумбашарий цивилизация ва маданият, дунёвий ва диний илм-фан тараққиётига улкан ҳисса бўлиб қўшилгани дунё жамоатчилиги томонидан ҳақли равишда эътироф этилади.

Давоми 2-бетда ➡

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ДАВЛАТ МАДАНИЯТ МУАССАСАЛАРИ ВА ДАВЛАТ АРХИВЛАРИ ХОДИМЛАРИ МЕҲНАТИГА ҲАҚ ТЎЛАШНИНГ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛГАН ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ВА УЛАРНИ МОДДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШНИ КУЧАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш доирасида мамлакатда давлат театрлари, цирклари, музейлари, ҳайвонот боғлари, концерт ташкилотлари, ижодий жамоалари, маданий-маърифий муассасалари (кейинги ўринларда давлат маданият муассасалари деб юритилади) ва давлат архивларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Маданият

вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари ташкил этилиши маданият соҳасида ягона давлат сиёсатини юритишга, миллий маданий ва маънавий меросни асраб-авайлаш ва қўлайтириш юзасидан тизимли чора-тадбирларни амалга оширишга, санъатни ва бадиий ижодни ҳар томонлама ривожлантиришга, халқимизнинг маънавий-ахлоқий ва маданий даражасини янада юксалтиришни рағбатлантиришга, уни миллий ва жаҳон маданиятининг энг яхши намуналаридан баҳраманд этишга имкон берди.

Давоми 2-бетда ➡

Made in
Uzbekistan

Тошкент туманидаги "Fazo luxe" масъулияти чекланган жамиятида тиббиёт соҳасида фойдаланиладиган дока, бинт, бахиланикоб ва махсус пахталар ишлаб чиқарилади. Фирма фаолиятини бошлаганига 2 йил бўлди. Шу қисқа муддат ичида унинг маҳсулотлари республиканинг барча ҳудудига етиб борди, десак янглишмаймиз.



ЭКСПОРТ ИСТИҚБОЛНИ БЕЛГИЛАЙДИ

Бу ерда 4 та цех мавжуд бўлиб, замонавий техникалар билан жиҳозланган. Мазкур корхонага хитойлик ҳамкорлар томонидан инвестиция жалб қилинган бўлиб, бино "ноль" қийматида олинган. Сифатли маҳсулотлар яратиш мақсадида инновацион технологиялар билан таъминланган. Тез орада Хитойдан яна 44 та янги, замонавий асбоб-ускуналар келтирилмоқда.

– Мамлакатимизда тадбиркорларнинг ҳуқуқий манфаатлари мустаҳкамланиб, фаолияти учун етарли шароитлар яратилмоқда, – дейди корхона бош директори Шерзод Шукруллаев. – Ишбилармонлардан талаб қилинадиган нарса экспорт ҳақмини ошириш. Бунда, биринчи навбатда, сифатли ва чдамли маҳсулот яратиш лозим. Шу сабабдан,

корхонамизда инновацион технологияларни жорий этмоқдамиз.

Бугунги кунда "Fazo luxe" МЧЖда 200 нафардан ортиқ ишчи меҳнат қилмоқда. Улар орасида ёшлар кўпчилигини ташкил этади. Ишчиларни меҳнат қилиши учун зарур шароитлар яратиб берилган. Жумладан, улар махсус иш кийимлари ва кунига икки маҳал иссиқ овқат билан таъминланади. Ходимлар учун алоҳида автобуслар ажратилган.

Кибрайлик Алишер Рўзиматов ҳам шу корхонада ишлайди.

– Тиббиётда ишлатиладиган маҳсулотлар гигиена талабларига тўлиқ жавоб бериши керак, – дейди А. Рўзиматов. – Шунинг учун ҳам иш жараёнида тозалikka қатъий риоя қиламиз. Жамоамиз жуда аҳил. Барчамиз қилаётган ишимиздан ва оила

бюджетига фойда келтираётганимиздан мамнунмиз.

Корхонада ўтган йили 2 миллион донадан ортиқ дока, бинт каби товарлар ишлаб чиқарилди. Жорий йилда эса бу рақамни 4 миллион донага етказиш режалаштирилган. Эътиборлиси, маҳсулотнинг 60 фоизи экспорт қилинади. Украина, Арманистон, Қозғистон, Грузия ва Афғонистон асосий харидор ҳисобланади.

Корхона раҳбарининг айтишича, келажакда Европанинг бошқа мамлакатларига ҳам маҳсулот етказиб бериш йўлга қўйилади. Мазкур режа амалга ошса, хом ашё ишлаб чиқариш миқдори ортиб, янги иш ўринлари яратилади.

Зухриддин РАҲМОНОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Қобилжон ҒОҒУРОВ олган сурат

Нурафшондан гапирамиз:

АДИБЛАР «ОИЛА МАРКАЗИ» БИЛАН БОҒЛАНДИ

Нурафшон шаҳрида вилоят "Оила маркази" ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими янги биносининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Таъкидлаш жоизки, муҳташам иншоотда маънавий-маданий ҳаётимизда муҳим ўрин тутувчи икки ташкилотнинг бақамти фаолият юритиши тарғибот ва ташвиқот ишларини ўзаро мувофиқлаштириш, самарадорликни ошириш борасида қўл келади. Шу кунги маросимга ташриф буюрган меҳмонлар айна ҳақиқатни қайта-қайта таъкидлар экан, жамиятимизда ижтимоий-маънавий соҳада буюк ишлохотлар даври бошланганини жўшиб сўзладилар.



Вакилимиз — танлов голиби!

Бундан бир оз муддат аввал Вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идораларо комиссияси томонидан вояга етмаганлар ишлари бўйича туман (шаҳар) идораларо комиссиялари масъул котиблари орасида 2017 йил якуни бўйича "Йилнинг энг яхши масъул котиби" танловининг республика босқичи ўтказилган эди.

Эътироф



Эътиборлиси, иштирокчилар фаолияти, тақдим этилган материаллар, статистик кўрсаткичлар ҳамда уларнинг билими нуфузли ҳайъат томонидан баҳоланган мазкур танлов натижасига кўра, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар масъул котиблари орасида Зангиота тумани масъул котиби Шухрат Мавлонов 1-ўринни қўлга киритди.

"Йилнинг энг яхши масъул котиби" танловини ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ, танлов голиби сифатида вакилимиз идораларо комиссиянинг махсус эсдалик нишони ва "Фахрий ёрлик" билан тақдирланди.

Куни кеча Нурафшон шаҳрида бўлиб ўтган вилоят "Ҳокимлик соати" йиғилишида Шухрат Мавлонов эришган бу муваффақият муносиб эътироф этилиб, унга эсдалик совға ва "Фахрий ёрлик" тантанали вазиятда топширилди.

Ўз мухбиримиз
Равшан МИРЗАКУЛОВ
олган сурат

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИФЕДЕРАЛ ДАВЛАТ АВТОНОМ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ "МИЛЛИЙ ТЕХНОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР
УНИВЕРСИТЕТИ "МИСИС"НИНГ ОЛМАЛИҚ ШАҲРИДАГИ ФИЛИАЛИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

4. Федерал давлат автоном олий таълим муассасаси "Миллий тадқиқот технология университети "МИСИС"нинг Олмалиқ шаҳридаги филиалида мутахассисларни ўқитиш ва тайёрлашнинг асосий йўналиш(мутахассислик)лари 1-иловага мувофиқ маъқуллансин.

5. Филиалга текин фойдаланиш учун: Навоий давлат кончилик институтининг Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 56-уй манзилида жойлашган биноси;

2017/2018 ўқув йили якуни бўйича фаолияти тугатилган Олмалиқ sanoat касб-хунара коллежининг Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, Амир Темур кўчасида жойлашган биноси берилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

"МИСИС" МТТУ ва "Олмалиқ ТМК" АЖ билан биргаликда бир ой муддатда ўрнатилган тартибда Филиал таъсис ҳужжатларининг ишлаб чиқиши, келишилиши ҳамда унинг белгиланган тартибда давлат рўйхатида ўтказилишини таъминласин;

бир ой муддатда "МИСИС" МТТУ билан Филиалнинг ташкилий тузилмасини келишиш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тегишли ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин;

2018 йил 1 сентябрга қадар муддатда Филиални танлов асосида юқори малакали профессор-ўқитувчилар таркиби билан таъминласин.

7. Филиалга 2018/2019 ўқув йили учун таълимнинг кундузги шакли бўйича қабул квотаси жами 150 киши, жумладан, бакалавриятнинг "Кончилик иши" таълим йўналиши бўйича 75 киши, "Металлургия" таълим йўналиши бўйича 50 киши, "Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш (тармоқлар бўйича)" таълим йўналиши бўйича 25 киши этиб белгилансин.

8. "МИСИС" МТТУ: ўқув жараёнига илгор педагогик ҳамда ахборот технологияларини, фан ва техниканинг энг янги ютуқларини жорий этишга;

◀ Бошланғич 1-бетда

мутахассисларнинг малакасини оширишга ва Филиалнинг профессор-ўқитувчилари таркибини қайта тайёрлашга;

Филиалнинг кутубхона фондиди замонавий ўқув, ўқув-методик ҳамда илмий-техник адабиётлар билан шакллантириш ва тўлдиришга қўмаклашиши маълумот учун қабул қилинсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги "Олмалиқ ТМК" АЖ, "Навоий КМК" ДҚ, "Ўзметкомбинат" АЖ, "Ўзқилимчирингметалл" АЖ, бошқа давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари билан биргаликда ҳар йили юқори малакали кадрларни тайёрлашга бўлган эҳтиёжни таҳлил қилсин ва унинг натижаси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига кейинги ўқув йилларида Филиалга таълим йўналишлари ҳамда мутахассисликлари бўйича қабул қилинадиган талабалар сони юзасидан тақлифлар киритиб борсин.

10. Федерал давлат автоном олий таълим муассасаси "Миллий тадқиқот технология университети "МИСИС"нинг Олмалиқ шаҳридаги филиали Вазирлар Маҳкамасига (кейинги ўринларда – Вазирлар кенгаши) шахсий таркиби 2-иловага мувофиқ маъқуллансин.

11. Белгилаб қўйилсинки:

а) Филиал фаолиятини молиялаштириш: Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига талабаларни, лекин Филиалга таълим олиш учун қабул қилинадиган талабалар умумий сонининг 40 фоизидан ортиқ бўлмаган ҳолда, давлат гранти асосида ўқитишга ажратилган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни маблағлари;

талабаларни тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар;

юрдик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриятлари ҳамда мақсадли бадалларидан Вазирлар кенгаши қарорлари асосида шакллантириладиган пул маблағлари;

ҳалқаро молия институтлари грантлари; қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

б) Филиални ташкил қилиш, унинг мод-

дий-техник ва ўқув базасини шакллантириш бўйича ташкилий тадбирларни, жумладан, таъмирлаш-тиклаш ишларини олиб боришни, бино ва иншоотларни зарур мебель, инвентарь, замонавий ўқув ҳамда лаборатория жиҳозлари, компьютер ва бошқа ортехника, кутубхона фонди билан таъминлашни, шунингдек, "МИСИС" МТТУ мутахассисларини жалб қилиш билан боғлиқ хизмат сафари харажатларини, Филиал маҳаллий ўқитувчиларнинг стажировкаси ва малакасини ошириш харажатларини молиялаштириш "Олмалиқ ТМК" АЖ маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

в) "МИСИС" МТТУдан Филиалга жалб қилинадиган профессор-ўқитувчиларнинг хизмат сафари харажатларини тўлаш:

30 кунгача бўлган қисқа муддатли хизмат сафари бўйича – Россия Федерациясининг қонун ҳужжатлари билан олий ўқув юртлари ходимлари учун белгиланган нормаларга мувофиқ;

узоқ муддатли хизмат сафари бўйича – ўқув жараёни эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, тузилган шартномаларга мувофиқ амалга оширилади.

12. Филиалга ўқитувчилик ва илмий ишлар учун тақлиф қилинадиган хорижий профессор-ўқитувчиларнинг яшаш ҳамда транспорт харажатларини тузиладиган шартномалар асосида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун белгиланган тарифлар бўйича тўлашга рухсат берилсин.

13. Белгилаб қўйилсинки, Филиални сақлаш учун бюджет маблағлари 2018 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ижтимоий соҳа бўйича тасдиқланган харажатлар параметрлари доирасида ажратилади, 2019 йилдан бошлаб эса мазкур соҳанинг йиллик харажатлар параметрларида назарда тутилади.

14. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Филиалга иккита автотранспорт воситасини, жумладан, битта хизмат ва битта навбатчи енгил автотранспорт воситасини сақлашга лимит ажратсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги "Тошкент вилоятида sanoat ишлаб чиқариш соҳаси учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш

тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3153-сон қарори билан тузилган, Федерал давлат автоном олий таълим муассасаси "Миллий технологик тадқиқотлар университети "МИСИС"нинг Олмалиқ филиалини ташкил этиш бўйича ташкилий қўмита:

2018 йил 1 июлга қадар муддатда Филиалнинг бино ва иншоотлари реконструкция қилинишини, шунингдек, Филиал талаба ва ўқитувчилари яшаш учун ётоқхона тайёрлашини;

2018 йил 31 августга қадар муддатда Филиал жойлаштирилишини ва уни зарур мебель, инвентарь, замонавий ўқув ва лаборатория жиҳозлари, компьютер ва бошқа ортехника, кутубхона фонди билан жиҳозлашини таъминласин.

16. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Филиал буюртмаларига биноан мазкур қарорни амалга ошириш доирасида жалб қилинадиган хорижий профессор-ўқитувчилар ва маъмурий ходимлар, шунингдек, уларнинг оила аъзолари учун қириш визалари консуллик ҳамда бошқа йиғимлар ундирилмасдан, белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин.

17. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Филиал буюртмаларига биноан мазкур қарорни амалга ошириш доирасида жалб қилинадиган хорижий профессор-ўқитувчилар ва маъмурий ходимларга ҳамда уларнинг оила аъзоларига давлат божлари тўлашдан озод этган ҳолда кўп марталик визалар берилиши ва узайтирилишини, шунингдек, уларнинг яшаш жойида вақтинчалик рўйхатдан ўтказилиши ҳамда вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш муддати узайтирилишини белгиланган тартибда таъминласин.

18. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Филиал буюртмаларига биноан Филиални ташкил қилишда ва унинг фаолиятида иштирок этадиган малакали хорижий мутахассисларни республикага жалб этиш учун белгиланган тартибда рухсатномалар берилишини (муд-

дати узайтирилишини), шунингдек, хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти ҳуқуқига тасдиқномалар берилишини (муддати узайтирилишини) таъминласин.

19. 2019 йил 1 январга қадар муддатда Филиални жиҳозлаш ва унинг фаолиятини таъминлаш учун белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхат бўйича олиб қириладиган Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган замонавий ўқув ва илмий лаборатория жиҳозлари, компьютер техникаси, дастурий маҳсулотлар, ўқув ва илмий-услубий адабиёт, инвентарь ва моддий-техника ресурслари божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-хунара таълими маркази Тошкент вилояти ҳокимлиги билан биргаликда:

Олмалиқ sanoat касб-хунара коллежи ходимларини ишга жойлаштириш;

Олмалиқ sanoat касб-хунара коллежи ўқувчилар контингентини яқин бўлган тегишли касб-хунара коллежларида йўналиш(касб)лар бўйича жойлаштириш орқали уларнинг келгусида таълим олишини таъминлаш чораларини кўрсин.

21. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

22. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Қ. В. Акматов, А. С. Султонов, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири И. У. Маджидов ҳамда "Олмалиқ ТМК" АЖ бошқаруви раиси А. Қ. Фармонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 11 май

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИБУЮК АЛЛОМАЛАР, АДИБ ВА МУТАФАККИРЛАРИМИЗ ИЖОДИЙ
МЕРОСINI КЕНГ ЎРГАНИШ ВА ТАРҒИБ ҚИЛИШ МАҚСАДИДА ЁШЛАР
ЎРТАСИДА КИТОБХОНЛИК ТАНЛОВЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Улуғ аждодларимизнинг ақл-заковати ва бадий даҳоси билан яратилган ноёб асарлар, хусусан, математика, минералогия, астрономия, кимё, тиббиёт, фармацевтика, меъморлик, тарих, адабиёт, санъат, илоҳиёт, фалсафа ва бошқа соҳаларга оид манбалар нафақат бизнинг халқимиз, балки жаҳон аҳлининг бебаҳо бойлиги ҳисобланади.

Ана шундай беқиёс меросимиз асосида ташкил этилган "Ёш китобхон" танловида 250 минг нафарга яқин ёш иштирок этиб, танлов ғолибларига "Президент совғаси" – енгил автомашина топширилган ёшлар ўртасида китобхонлик маданияти ривожланишига муҳим таъсир ўтказди.

Буюк адиб ва мутафаккирларимизнинг нодир мероси, ибратли ҳаёти ва ижтимоий фаолиятини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш, ёшларимизни ўзликни англаш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, улар ўртасида китобхонлик маданиятини кенг омалаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда жамоатчилик вакилларининг мамлакатимиз ёшлари ўртасида ўтказилган китобхонлик танловларини ижобий баҳолаган ҳолда, ушбу танловларни ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисидаги тақлифлари маъқуллансин.

2. Буюк аллома, адиб ва мутафаккирларимиз ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида ёшлар ўртасида "Ёш китобхон" танловини (кейинги ўринларда танлов деб аталади) ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

а) танловни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

б) танловни юқори савияда ўтказиш учун: Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ташкилий-амалий ишлар бўйича;

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети илмий-ижодий ишлар бўйича масъул ташкилотлар ҳисобланади.

◀ Бошланғич 1-бетда

4. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази билан биргаликда ўн кун муддатда "Ёш китобхон" танловини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

5. Мазкур Низомида:

буюк аллома, адиб ва мутафаккирларимизнинг меросини чуқур ўрганиш мақсадида алоҳида номинациялар бўйича танловлар ташкил этиш;

2018 йилги танловларни Ватанимиз тарихи ва халқимизнинг маънавий ҳаётида беқиёс ўрин тутадиган Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Муҳаммад Ризо Огаҳий, Бердақ сингари буюк мутафаккирларимиз ижоди ва фаолияти, жаҳон адабиётининг дурдона асарлари, шунингдек, "Алпомиш", "Гўрўли", "Кунтуғмиш" каби халқ достонлари бўйича ўтказиш;

кейинги танловларни даврлаштирган ҳолда давом эттириш учун тегишли рўйхатларни шакллантириш;

танлов ғолибларини мукофотлаш ва рағбатлантиришнинг аниқ механизминини ишлаб чиқиш, хусусан, республика босқичида биринчи ўринни эгаллаган қатнашчиларни енгил автомобиллар билан тақдирлаш, иккинчи ва учинчи ўрин соҳиблари ва фаол иштирокчиларни ҳам муносиб рағбатлантириш чоралари назарда тутилсин.

6. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги танлов номинацияларида белгиланган буюк аллома, адиб ва мутафаккирларимизнинг асарларини, уларнинг ҳаёти ва фаолиятига оид китоб ва рисоаларни нашрга тайёрлаш, чоп этиш ҳамда таълим муассасалари кутубхоналарига, тегишли веб-сайтларга, ахборот-ресурс марказлари ва кенг ўқувчилар оmmasига етказиш чораларини кўрсин.

7. Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига ушбу қарор ижроси билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш таъсия этилсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари Х. М. Султонов ва Қ. К. Қуранбоев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 12 май

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИДАВЛАТ МАДАНИЯТ МУАССАСАЛАРИ ВА ДАВЛАТ АРХИВЛАРИ ХОДИМЛАРИ
МЕҲНАТИГА ҲАҚ ТЎЛАШНИНГ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛГАН ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ
ЭТИШ ВА УЛАРНИ МОДДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШНИ КУЧАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Ўзархив" агентлиги (кейинги ўринларда – "Ўзархив" агентлиги) томонидан Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фондида бўлган ҳужжатли маданий мерос объектларини ҳисобга олиш, муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш юзасидан чоралар кўрилмоқда.

Шу билан бирга, бадий ижодни, жумладан, театр, музыка, хореография, эстрада, цирк ва халқ амалий санъатини янада ривожлантириш, халқ тарихи ва унинг замонавий ҳаётининг энг ёрқин саҳифаларини акс эттирувчи асарлар яратишда ижодий жамоаларга, айниқса, ижодкор ёшларга ҳар томонлама қўмаклашиш бўйича белгиланган вазибалар маданият ва архивлар соҳасидаги малакали кадрларни рағбатлантириш мақсадида таъминлашни мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштирилган давлат маданият муассасалари ва давлат архивлари ходимларининг ижодий маҳоратини муносиб баҳолашни таъминлашга, касбий даражасини ҳамда малакасини узлуксиз ошириш учун рағбатлантириш усулларини яратишга йўналтирилган меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий таъминотини яхшилаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, "Ўзархив" агентлиги, Молия вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг:

2018 йил 1 июндан давлат маданият муассасалари артистлари, маъмурий-бошқарув, бадий-раҳбар, ижодий ва бошқа ходимларининг, шунингдек, давлат архивлари бошқарув ходимлари ва мутахассисларининг (кейинги ўринларда – давлат маданият муассасалари ва давлат архивларининг ходимлари) меҳнат ҳақи миқдорларини ўртача 45 фоизга ошириш;

2018 йил 1 июндан давлат маданият муассасалари ва давлат архивлари ходимларининг малака тоифалари ва лавозимлари бўйича базавий лавозим машошларини белгилашни назарда тутувчи меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш ҳамда лавозим машошлари ўртасидаги тафовутни кўпайтириш ҳисобига касбий ўсишни рағбатлантириш;

2018 йил 1 июндан Ўзбекистон давлат цирки, ҳайвонот боғлари, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг кўзи оғизлар учун кутубхоналари ҳамда давлат архивлари ходимларининг алоҳида тоифаларига театр-концерт ташкилотларининг артистлари ва бадий ходимларига узоқ муддат хизмат қилганлиги учун белгиланган миқдорларда ҳар ойда тақдирлаш пули тўланишини белгилаш тўғрисидаги тақлифлари маъқуллансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, мазкур қарорда назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлашнинг такомиллаштирил-

ган тизими жорий этилиши ва узоқ муддат хизмат қилганлиги учун ҳар ойда тақдирлаш пули тўланиши билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни маблағлари ва тегишли давлат маданият муассасалари ҳамда давлат архивларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштирилган давлат маданият муассасалари ва давлат архивлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий лавозим машошлари миқдорларини; мазкур қарорнинг 1-бандига мувофиқ узоқ муддат хизмат қилганлиги учун ҳар ойлик тақдирлаш пули белгиланган давлат маданият муассасалари ва давлат архивлари ходимларининг алоҳида тоифалари рўйхатини;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштирилган давлат маданият муассасалари ва давлат архивлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ҳамда уларни моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқласин.

4. 2018 йил 1 июндан концерт-томоша кўрсатиш фаолияти билан шуғулланиш учун лицензияга эга бўлган, юридик ва жисмоний шахсларни (шу жумладан, норезидентларни) жалб этиш йўли билан оммавий томоша тадбирларини ташкил этишдан даромадлар оладиган микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 30 фоиздан 5 фоизгача пасайтирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги ПҚ-3454-сон қарорига 91-илованинг рус тилидаги матнида 4-позицияси "Ставки налога в % к налогооблагаемой базе" устунидаги "30" рақами "5" рақами билан алмаштирилсин.


6. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ва "Ўзархив" агентлиги бир ой муддатда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси маданият вазири Б. С. Сайфуллаев ва "Ўзархив" агентлиги бош директори У. Б. Аъламов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 14 май

◀ Бошланғич 1-бетда



ҲАМКОРЛИКНИНГ МУСТАҲКАМ РИШТАСИ

Татаристон Республикасининг маданият ва спорт ҳамда ёшлар масалалари бўйича вазир ўринбосари Рустам Гарифуллин бошчилигидаги делегация Ўзбекистонга ташриф буюрди.

Беш кунлик ташриф давомида меҳмонлар мамлакатимизнинг диққатга сазовор жойлари қатори вилояти-мизнинг Нурафшон, Охангарон шаҳарлари, Зангиота тумани каби ҳудудлари билан ҳам танишди.

Нурафшон шаҳрида вилоятимиз ҳокими Ғуломжон Ибрагимов Рустам Гарифуллин бошчилигидаги делегацияни қабул қилди. Урашув давомида Ўзбекистон ва Та-

таристон Республикалари ўртасида азалдан дўстона муносабатлар яхши ривожлангани, бугунги кунга келиб, ижтимоий-иқтисодий, туризм соҳаларида ҳамкорлики янада кучайтириш эҳтиёжи борлиги алоҳида таъкидланди.

Татаристон Республикаси делегацияси Охангарон маданият ва истироҳат боғида "Президент голяри билан келажак сари!" шиори остида ташкиллаштирилган

"Ёшлар – келажак бунёдкори!" фестивалида иштирок этди. Меҳмонларда тadbир доирасида ўтказилган ўзбек ва татар миллий амалий санъати кўргазмалари, Янгийул туманидаги Татар миллий маркази бадийи жамоаларининг чиқишлари, айниқса, катта таассурот қолдирди.

Ўзбекона меҳмондўстлик, самимий муносабатлардан илҳомланган делегация раҳбари Рустам Гарифуллин вилоятимиз ҳокими Ғуломжон Ибрагимовни ҳам Татаристонга таклиф этди.

Ўз мухбиримиз

ЭНГ ЯХШИ ФАН ЎҚИТУВЧИЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Юқори Чирчиқ туманида "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Танлов

Юртимизда ташаббускор, ижодкор, ўз фаолияти давомида мунтазам янгиликка интилувчи ўқитувчи-мураббийларнинг билим ва малакасини юксалтириш, иш шaroитларини янада яхшилаш, меҳнатини муносиб рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Халқ таълими вазирлиги томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур танлов ҳам ҳудудлардаги таълим муассасаларида инновацион технологиялардан унумли фойдаланиб, юқори натижаларга эришаётган ўқитувчиларни аниқлаш, улар фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга хизмат қилади.

Танловнинг бу йилги вилоят босқичида 12 фан йўналиши бўйича 207 нафар ўқитувчи қатнашди. Тўрт шарт бўйича беллашган иштирокчилар берилган мавзу бўйича очик дарс ишланмаси тайёрлаш, фанни ўқитишдаги мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари тўғрисида тақдирот ўтказиш, аудиторияда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда очик дарсни ташкил этиш ва онлайн тест ечишда ўз маҳоратини синовдан ўтказди.

– Мен Олмалиқ шаҳридаги 22-умумтаълим мактабида француз тилидан дарс берман, – дейди Б. Ўринбоев. – Мактабимизда ўқувчиларга хорижий тиллар пухта ўргатилади. Чунки, бугунги кунда она тилидан ташқари, хориж тилларини ҳам билиш давр талабидир. Шундай экан, биз ҳам дарсларда ўқувчиларимизнинг билим олишига алоҳида эътибор қаратганмиз. Танловда фаолиятим юқори баҳоланиб, голиблар қаторидан ўрин олганимдан хурсандман. Бу менга катта масъулият юклаш билан бирга, ўз устимда янада кўпроқ ишлашга ундайди.

Кўриқнинг вилоят босқичида ўз йўналиши бўйича биринчи ўринни эгаллаган 12 нафар ўқитувчи "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" танловининг мамлакат босқичида иштирок этади.

Ўз мухбиримиз



Нурафшондан гапирамиз:

АДИБЛАР «ОИЛА МАРКАЗИ» БИЛАН БОҒЛАНДИ

Тadbирда сўз олган Республика "Оила маркази" раҳбари Дилором Тошмухаммедова, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид ва бошқалар яратилган шароит, имконият, истиқболдаги режалар ҳақида фикр-мулоҳаза юритдилар. Айниқса, шоир Сирожиддин Саййид вилоятимизда яшаб ўтган маърифатпарвар шоир Сидқий Хондайликнинг Ватан ҳақидаги гўзал манзумасига боғланган муҳаммасини ўқиб берганда, йиғилганлар адабиётнинг қудратли кучини, кўнгилларга сурур улашувчи оҳанрабосини теран ҳис қилдилар.

– Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими биносининг очилиши маданий ҳаётимизда жуда катта воқеалик. Айниқса, "Оила маркази" билан биргаликда, битта бинода иш бошлаганимиз, албатта, адабиётнинг туб моҳиятига, адибларнинг ижтимоий фаоллигига, ижобий маънода, катта таъсир кўрсатади, – дейди

Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлими раиси Махмуд Тоиров. – Мана шундай обод бир гўшада ишлаш, янги асарлар завқи билан яшаш катта саодатдир. Вилоятимиз ижодкорлари бу ғамхўрликка жавобан гўзал асарлар билан халқимизга астойдил хизмат қиладилар, бу кунларнинг бадийи солномасини ёзадилар, албатта.

Таъкидлаш жоизки, вилоятимиз азалдан қалам аҳли учун жуда катта ижод ва маҳорат мактаби бўлиб келган. Шу заминда туғилиб, қамол топган ўзбек адабиётининг ўнлаб забардаст вакиллари халқимиз қалбидан муносиб ўрин олган. Дўрмон адабий муҳити юртимиз ижод аҳлининг битмас туганмас илҳом манбаидир.

Тadbирда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари О. Рустамов сўзга чиқди.

Бехзод ҚОБУЛОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири
Нозимжон ИСМОИЛОВ
олган сурат

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссияси
ҚАРОРИ

БЎШАБ ҚОЛГАН ЎРИНЛАРГА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОДЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

Вилоят сайлов комиссиясига Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси томонидан Тошкент вилояти кенгашидан бўшаб қолган ўринларга Халқ депутатлари Тошкент ви-

лояти Кенгаши депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар тақдим этилди.

Ушбу ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонуни талабларига мувофиқлиги вилоят сайлов комиссияси томонидан ўрганиб чиқилди.

"Халқ депутатлари вилоят, туман ва

шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11, 20, 22, 24, 44-моддаларига мувофиқ, вилоят сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Бўшаб қолган ўринларга Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутатлигига кўрсатилган қуйидаги номзодлар рўйхатга олинсин:

Номзоднинг Ф.И.Ш	Туғилган йили	Партия- вийлиги	Эгаллаб турган лавозими	Яшаш манзили	Номзод этиб кўрсатган ташкилот
27- "Келес" сайлов округи					
Қадирханова Малика Ақбаровна	1967 йил, Тошкент шаҳри	ЎзХДП аъзоси	"Тadbиркор аёл" уюшмаси Тошкент вилояти бўлими раиси	Тошкент шаҳри, Олмасор тумани	ЎзХДП вилоят кенгаши
Попов Александр Николаевич	1981 йил, Тошкент шаҳри	Ўз "Адолат" СДП аъзоси	Тошкент шаҳар "Улканқурилишмажус сервис" МЧЖ директори ўринбосари	Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани	Ўз "Адолат" СДП вилоят кенгаши
Тошпўлатов Хурматилла Нигматович	1959 йил, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП аъзоси	Тошкент тумани "Хурматилла файз барака" фермер ҳўжалиги раҳбари	Тошкент шаҳри, Учтепа тумани	ЎзЛиДеП вилоят кенгаши
Хамзаев Равшан Абдусотикович	1972 йил, Тошкент шаҳри	ЎзМТДП аъзоси	Тошкент шаҳридаги "Super Pack" МЧЖ директори	Тошкент вилояти, Зангиота тумани	ЎзМТДП аъзоси вилоят кенгаши
29- "Ўнкўрғон" сайлов округи					
Абдуазимов Зорид Мирзакаримович	1963 йил, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП аъзоси	Қибрай туманидаги "Қибрай Авто марказ" раҳбари	Тошкент шаҳри, М. Улугбек тумани	ЎзЛиДеП вилоят кенгаши
Мухаммедов Нигмат Исраилович	1960 йил, Тошкент шаҳри	ЎзХДП аъзоси	Қибрай тумани ҳокими	Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани	ЎзХДП вилоят кенгаши
Мамиров Бобур Амиркулович	1986 йил, Сирдарё вилояти	"Адолат" СДП аъзоси	"Адолат" СДП Тошкент вилояти Кенгаши раиси ўринбосари	Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани	Ўз "Адолат" СДП вилоят кенгаши
Махмудов Музаффар Кахрамонович	1986 йил, Тошкент вилояти	ЎзМТДП аъзоси	"Ўзбекгидроэнерго" акциядорлик жамияти назорат бўлими етакчи мутахассиси	Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри	ЎзМТДП вилоят кенгаши

Вилоят сайлов комиссияси раиси

Ғ. МУҲАМЕДОВ

Нурафшон шаҳри,
2018 йил 10 май

Офарин!

Беларусь пойтахти Минск шаҳрида 52-Халқаро Менделеев олимпиадаси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон шарафини 12 нафар ўғил-қизлар муносиб ҳимоя қилиб, умумжамоа ҳисобида фахрли 2-ўринни эгаллади.

САИДА – ОЛМАЛИҚНИНГ КИМЁГАР ҚИЗИ

Ана шу истеъдод эгалари орасида Олмалиқ академик лицейининг 3-босқич ўқувчиси Саида Ортиқбоева ҳам бор.

– Олимпиаданинг дастлабки икки турида назарий билимларимизни синовдан ўтказдик, 3-босқичи амалий машғулотлардан иборат бўлди. Биз барча синовларга пухта тайёргарлик кўрган эдик, – дейди Саида. – Мана шундай ютуққа эришишимизда ота-онам, устозларимнинг меҳнатлари катта бўлди, улар юқори натижалар кўрсатишим учун барча шароитларни яратиб беришди. Устозим Холисхон Жўраевага, лицейимиз директо-

ри Сафарали Тўракуловга ҳамда мени доимо қўллаб-қувватлаб келаётган ота-онамга миннатдорлигимни билдираман.

Хозирги кунда Чехия ва Словакия давлатларида бўлиб ўтаётган 50-Халқаро кимё олимпиадасига пухта тайёргарлик кўраётган вакилаимиз бу сафар ҳам юқори натижалар кўрсатиш, эл-юртимиз билдирган ишончини оқлаш ниятида.

Саида Ортиқбоева каби умидли ёшларимиз бор экан, Ўзбекистимиз байроғи юксакларга кўтариларверади.

Нозим АБДУЛЛА
олган сурат



Ижтимоий эълон

Хўжалик юритувчи субъектлар диққатига!

Юридик мақомга эга бўлган корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда масъул ходимлари 1-tojiya shakli (ташкilotнинг молиявий ахволи тўғрисида ҳисобот)ни ҳар ойнинг 18-санасидан кечиктирмасдан (тижорат ташкилотлари (кичик корхона ва микрофирмалар, фермер хўжаликлари, банклар, сугурта ташкилотларидан ташқари) уларнинг алоҳида бўлинмалари), (Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси томонидан белгиланган рўйхат бўйича) eStat 2.0 автоматлаштирилган тизими орқали электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда тақдим этишлари лозимлиги

юзасидан огоҳлантириб ўтамиз. Ҳисоботлар интернет тармоғи воситасида, давлат статистика ҳисоботларини электрон кўринишда йиғини автоматлаштирилган тизими eStat 2.0 орқали электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда тақдим этилади. eStat 2.0 тизимида мавжуд давлат статистика ҳисоботларининг электрон шакли (шаблони)ни Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг www.stat.uz расмий веб сайтидан олишингиз мумкин. Давлат статистика кузатувини олиб бориш учун зарур бўлган ҳисобот ва бошқа маълумотларни тақдим этмасликда ифодаланган

давлат статистика ҳисоботларини тақдим этиш тартибини бузиш, ҳисобот маълумотларини бузиб кўрсатиш ёки ҳисоботларни тақдим этиш муддатларини бузиш Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 215-моддасида белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

2018 йил давомида юқоридаги давлат статистика ҳисоботини ойма-ой тақдим этувчи хўжалик юритувчи субъектлар рўйхати бошқарманинг www.toshvilstat.uz расмий веб сайтига жойлаштирилган. Тошкент вилояти статистика бошқармаси

САЛОМАТЛИК САЛТАНАТИНИНГ МАЛИКАЛАРИ

Бўстонликда туман тиббиёт бирлашмаси томонидан Халқаро ҳамширалар куни муносабати билан "Саломатлик салтанатининг маликалари" мавзусида маънавий-маърифий тadbир ташкил этилди.

Тadbир

Унда тиббиёт бирлашмасига қарашли кўп тармоқли тиббий марказ, тўртта қишлоқ оилавий поликлиникаси, саккизта қишлоқ врачлик пункти ходимлари, тиббиёт фахрийлари, мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари ҳамда ота-оналар қатнашди.

Тadbирда сўзга чиққан туман ҳокими Файрат Мадаминов ҳамда тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Сайёра Файзиева инсон саломатлиги йўлидаги саъй-ҳаракатларнинг фаол иштирокчилари – тиббиёт ходимлари фаолияти ҳақида сўзлар экан, давлатимиз томонидан соҳа ривожига қаратилаётган эътибор, қабул қилинаётган фармон ва қарорларнинг мазмун-моҳиятига алоҳида тўхталдилар.

– Ҳамширалик улуг ва шарафли касб, – деди Сайёра Файзиева. – Халқимиз ҳамшира деганда, шифо истаб келган бемор манфаатини ўз фойдасидан устун қўя оладиган меҳрибон, сўзю иши бир, ҳаёти эзгуликка йўғрилган фидойи касб эгаларини тушунади. Бундай шарафга муносиб бўлиш осон эмас.

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири

Эълон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 апрелдаги ПФ-5418-сонли Фармонида асосан, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги "Ғўза уруғчилиги Республика маркази" ва "Бошоқли дон экинлари уруғчилиги Республика маркази" негизига Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги "Уруғчиликни ривожлантириш маркази" ДУК ташкил этилганлиги сабабли, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги "Ғўза уруғчилиги Республика маркази" тизимидаги Тошкент вилояти "Ғўза уруғчилиги" бирлашмаси даъвоарни эълон чиққан кундан эътиборан 2 ой мобайнида 255-37-64 телефон рақами орқали қабул қилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 12-уй.

Ушбу ноёб меъморий ёдгорлик нафақат республикамиз, балки марказий Осиё халқлари орасида ҳам машҳур.

Кутлуг қадамжой пойтахтимиздан 16 чакирим Фарбда, Самарқандга ўтадиган қадимий қарвон йўлининг бўйида, Чирчиқ дарёсининг ўнг соҳилида, Зангиота қишлоғининг

лари ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, яхшилик, адолат, диёнат каби инсоний фазилатларни тарғиб қилганлар. Шунинг учун, уни кўпчилик "Химматли", деб ҳам аташган.

— Болалигим шу ерларда ўтган, — дейди асли зангиоталик Назира Самадова. — Тақдир тақозоси билан Қозоғис-

Ҳақиқатан ҳам, сайёҳнинг гапларида жон бор. Кейинги йилларда ушбу тарихий-меъморий мажмуада кенг қўлмалли таъмирлаш, тиклаш ишлари амалга оширилди. Мажмуа ҳудудидан янги масжид, Ўзбекистон мусулмонлари идораси вилоят вакилликнинг биноси, эски ҳовуз ўрнига 2 та фавво-

уйга қайтаёмиш, — деди Назира опа. — Насиб қилса, кейинги сафар фарзандларимни олиб келаман. Ҳозирча совғалар билан чегараландим. Аммо... Афсуски, дўконларни ҳар қанча айланмай, болаларимда Зангиота зиёратгоҳи ҳақида тасаввур пайдо қила оладиган эсдаликни топа олмадим. Наилж...

Этибор бердингизми? "Зиёратгоҳ ҳақида тасаввур пайдо қила оладиган эсдалик топа олмадим", деди суҳбатдошимиз. Мамлакатимизда туризмни ривожлантириш борасида мисли қўрилмаган ишлар амалга ошириляётган бир пайтда-я.

Савдо дўконларини айланар эканмиз, сайёҳнинг гаплари тўғри эканлигига амин бўлдик. Дўконда миллий услубдаги рўмоллар-у кийимлар, жойнамозу бир-биридан ажойиб бўюмлар, турли тақинчоқлар турморлар, қўйингки, кўзни қувнатидиган бежирим совғалар жуда кўп. Бироқ, улар Хитой ва бошқа юртларнинг бир марталик, арзон-гаров моллари. Ҳеч бири Зангиотадан эсдалик бўлишга ярамайди.

Ахир, бугун вилоятимизда 1 минг 500 га яқин, Зангиота ва Тошкент туманларида эса 300 дан зиёд хунармандлар 34 та йўналишда фаолият олиб бораёпти. Наҳотки, улар муқаддас зиёратгоҳ, унинг тарихи, бир-биридан гўзал мажмуаларини ўз ишларида акс эттира олмадиларми?

Туман ҳокимлиги, соҳа мутаассадилари шу ҳақда ўйлаб кўрсалар, хунармандларнинг бошини қовуштириб, ижтимоий буюртмалар берсалар ва уларнинг савдоси учун имконият яратиш ҳақида бош қотирсалар, ёмон бўлмасди.

Тўғрими?
Ирода НОРБЕКОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири

ХУНАРМАНДЛАР, БОРМИСИЗ, ОМОНМИСИЗ?

Ёхуд Зангиота зиёратгоҳидан эсдаликсиз қайтаётган сайёҳлар

Юртимизда муқаддас қадамжолар кўп. Бугун умрини поклик ва ҳалоллик, илм ва маърифат, адолат, диёнат йўлида фидо этган мўтабар зотларнинг қадамини етган, хоклари қўйилган макон муқаддасдир. Қувонарлиси, вилоятимизда ана шундай жойлар талайгина. Улардан бири — Зангиота зиёратгоҳи.

Дарвоқе

марказида қад ростлаган. Ривоят қилишларича, Амир Темур Ясси кўрғонига Аҳмад Яссавий ҳазратларига мақбара қуриш ҳаракатини бошлайди, лекин нимагадир иш ҳадеганда юришавермайди. У бунинг сабабини тушунмай, ҳайрон бўлиб юрганида, тушига нуруний зот кириб, Яссавийга мақбара қуришдан олдин Занги отанинг қабрини обод қилиш кераклигини айтади. Шунда Амир Темур Занги ота руҳини шод этиш мақсадида мақбара тиклашга киришади. Бу муҳташам ёдгорлик қурилишини 1420 йилда Мирзо Улугбек ниҳоятсига етказган. Занги ота ва унинг издош-

тонга келин бўлдим. Авваллари, зиёратгоҳга тез-тез келиб турардим. Иш, юмушлар, рўзгор ташвишлари, ўзингиз тушунасиз... Тўғриси айтсам, бу ерни зиёрат қилгач, қушдек энгил бўламан. Мана, ўн йил ўтиб, она Ватанимдаги муқаддас заминга яна қадам ранжида қилиш бахти насиб этди.

Бунда, албатта, Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги дўстона муносабатнинг янада мустаҳкамланиши айна мудоа бўлди. Зеро, бу икки халқнинг илдизи бир. Дарвоқе, бу ердаги улкан ўзгаришлар мени хайратга солди. Ахир, бугунги Зангиота билан аввалгисининг фарқи жуда катта.

ра, 2 та миллий услубда лойихалаштирилган шийпон, тегишли коммуникация тармоқлари, ерости ўтиш йўли, 50 ўринга мўлжалланган 3 қаватли меҳмонхона, ошхона, чойхона, новвойхона, автоўхташ жойи, ўндан ортиқ миллий хунармандчилик савдо дўконлари, шу билан бирга, замон талабига жавоб берадиган деҳқон бозори қурилди.

Шунингдек, янги лойиҳага кўра, кириш дарвозаси қайта қурилди, чегара деворлари тикланди. Қадимги мадраса биноси тўла таъмирдан чиқарилди. Зангиота ва Анбарбиби мақбаралари ва 5 та гумбаз ҳам такрор чирой очди. — Катта таассуротлар билан

Марҳабо, ойлар сўлтони!

Юртимизга муқаддас Рамазон ойи кириб келмоқда. Халқимиз моҳи Рамазонни раҳмат, мағфират ва барокат ойи сифатида алоҳида қадрлайди. Мўмин-мусулмонлар ислом динининг беш арконидан бири — рўза тутиш орқали ўзининг маънавий-маърифий, руҳий камолоти ва жисмоний саломатлигини мустаҳкамлайди, нафсини тарбиялайди. Рўза тутган мўмин борки, ўз юриш-туриши, хатти-ҳаракати, гап-сўзига амаллари орқали энг яхши фазилатларини намоён этиши лозимдир.

Тақвим

Ҳадиси шарифда айтилишича, "Рамазон келса, жаннат эшиклари очилади, дўзах эшиклари ёпилади ва шайтонлар қишланганида". Муқаддас Куръони карим нозил бўлган ушбу серсавоб ойда имон-этиқод билан қилинадиган дуолар мустаҷобдир. Чунки, муборақ ойда Аллоҳ таоло бандаларига осмон эшикларини очиб, уларнинг ҳар бир дуосини қабул қилади.

Табиийки, дунё мамлакатларида ислом динига этиқод қилувчилар ушбу ойда фарзга амал қилиб, ўттиз кун рўза тутадилар. Шу боис, мустаҳассилар Рамазон ойи ҳаритасини тузиб, бу йил энг узун ва энг қисқа рўза тутувчи ҳудудларни аниқлашди. Натижалар билан танишинг:

● Шимолий ҳудуднинг энг

чекка нуқтаси — Гренландияда истиқомат қилувчи мусулмонлар ер юзидан энг узун рўзани тутадилар. Уларнинг "огиз ёпиши" ва ифторлик оралиғи вақти ўртача 20 ярим ва 21 соатни ташкил этади.

● Яна бир шимолий давлат — Швециядаги мусулмонлар 19 ярим соат давомидида рўза тутадилар. Норвегияда ҳам худди шундай кўрсаткич.

● Энг қисқа рўза вақти Аргентинада қайд этилган. Жанубий Америка давлатлари мусулмонларининг оғзи тўққиз ва тўққиз ярим соат мобайнида "ёпиқ" бўлади.

● Ўзбекистонда "огиз ёпиши" ва ифторлик оралиғи вақти дастлабки кунларда 16 соатни ташкил этса, Рамазон ойининг сўнгги кунларида 16 ярим соатгача бўлиши мумкин.

РАМАЗОН — 2018				
Кун	Сана	Ҳафта кунлари	Саҳарлик	Ифторлик
1	17 май	Пайшанба	3:33	19:36
2	18 май	Жума	3:32	19:37
3	19 май	Шанба	3:31	19:38
4	20 май	Якшанба	3:30	19:39
5	21 май	Душанба	3:29	19:40
6	22 май	Сешанба	3:28	19:41
7	23 май	Чоршанба	3:28	19:42
8	24 май	Пайшанба	3:27	19:43
9	25 май	Жума	3:26	19:44
10	26 май	Шанба	3:25	19:45
11	27 май	Якшанба	3:25	19:45
12	28 май	Душанба	3:24	19:46
13	29 май	Сешанба	3:24	19:47
14	30 май	Чоршанба	3:23	19:48
15	31 май	Пайшанба	3:23	19:49
16	1 июнь	Жума	3:22	19:49
17	2 июнь	Шанба	3:22	19:50
18	3 июнь	Якшанба	3:21	19:51
19	4 июнь	Душанба	3:21	19:52
20	5 июнь	Сешанба	3:21	19:52
21	6 июнь	Чоршанба	3:20	19:53
22	7 июнь	Пайшанба	3:20	19:54
23	8 июнь	Жума	3:20	19:54
24	9 июнь	Шанба	3:19	19:55
25	10 июнь	Якшанба	3:19	19:55
26	11 июнь	Душанба	3:19	19:56
27	12 июнь	Сешанба	3:19	19:56
28	13 июнь	Чоршанба	3:19	19:57
29	14 июнь	Пайшанба	3:19	19:57
30	15 июнь	Жума	3:19	19:57



The Sun нашри хабарига кўра, кинорежиссёр Карлос Карвальо жирофанинг зарбасидан вафот этди. Воқеа Жанубий Африка Республикасида фильм суратга олинаётган вақтда содир бўлган.

Жирафа кинорежиссёрга «калла қўйди»



Карвальо маҳаллий фермалардан бирида ёввойи ҳайвонларни йирик планда

суратга олаётган эди. Кутилмаганда режиссёр ёнига жирафа яқинлашиб, унга боши билан зарба беради. "Мен Карлоснинг ёнида турганимда, жирафа тўсатдан бўйнини силкитиб, унинг бошига зарба берди. Карвальо 4-5 метр нарига отилиб кетди", дейди воқеага гувоҳ бўлган оператор Дирк ван дер Мерв.

Режиссёр Йоханнесбургдаги шифохонага олиб ке-

тилаётганда вафот этган. Ферма эгалари бунда жирафанинг айби йўқлигини ва режиссёр хавфсизлик қоидаларини инобатга олмаганини таъкидлашмоқда. Карвальо ўзининг ёввойи табиат ҳақидаги фильмлари билан танилган бўлиб, қатор нуфузли совринлар, жумладан, "Кумуш шер" ва Африка кинематография академияси мукофотлари билан тақдирланган.

Amazon асосчиси, дунёнинг энг бадавлат одами Жефф Безос ўз бойлигини коинотни ўзлаштиришга сарфламоқчи. Миллиардернинг режисада ракета ташувчилар, коинотда одамлар яшовчи базалар ва узоқ сайёраларни забт этиш каби йирик лойиҳалар бор.

Безос коинотни ўзлаштириш учун ҳозирда катта маблағлар сарфламоқда. У ҳар йили New Glenn ракетасини лойиҳалаш ва синовдан ўтказиш учун 1 млрд. доллардан пул ажратади. Ушбу ракетани яратиш билан Безоснинг Blue Origin коинот компанияси шуғулланмоқда.

Безос лойиҳаларни бир неча босқичда амалга оширомоқчи. Улардан биринчиси сайёраимиз сарҳадларидан ташқарига максимал оғир вазндаги

юкни олиб чиқа оладиган ишончли ва кучли ракеталарни ишлаб чиқиш ҳисобланади. Сўнгра миллиардер коинотда ишончли ва қулай тураржой яратишга қодир муҳандис ва олимларни изламоқчи. Безос ақунловчи босқичда Ой ёки Марсга экспедиция уюштирмоқда.

У инсоният ўзининг мавжудлигини давом эттириш учун тараққий этиб, коинотга "кетishi" керак, деб ҳисоблайди. Бу режани амалга ошириш учун

Бойлигини коинотга сарфламоқда



миллиардер ўз мулкнинг катта қисmini сарфлашга тайёр. Охириги ҳисоб-китобларга кўра, Безоснинг айна вақтдаги бойлиги 120 млрд. доллардан кўпроқни ташкил қилмоқда.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

БЕЛИДА БЕЛБОҒИ БОРЛАР

Паркент туманида Хотира ва Қадр-лаш куни муносабати белбоғли кураш бўйича анъанавий Республика очик турнири бўлиб ўтди.



Тарихи узоқ минг йилликларга бориб тақаладиган халқимизнинг миллий қадрияти — белбоғли кураш бугун ёшларнинг сеvimли спорт тури сифатида жадал ривожланмоқда. Айниқса, вилоятимизнинг Паркент ва Пискент туманлари полвонларининг донги дунёга ёйилгани ҳам рост. Мамлакатимиз ва қўшни республикалардан келган икки юздан зиёд полвонлар иштирокидаги баҳслар стадионга келган мухлисларга жуда манзур бўлди.

Унта вазн тоифасида ўтказилган мусобақада жаҳон ва Осиё чемпионатларида юқори ўринларни эгаллаган машҳур полвонларнинг иштирок этгани беллашувларнинг кескин ва муросасиз ўтишини таъминлади. Қизгин баҳслар давомида барча рақибла-

рини мағлубиятга учратган паркентлик полвонлар Дониёр Абдурахмонов, Бекзод Абдурахмонов, Зуфар Рискибоев ва олмалиқлик Достон Суёнов олтин медалга сазовор бўлди. Меҳмон курашчилар — пойтахтлик Хусан Азимов, андижонлик Илхомжон Машрабов, Аъзамжон Анваржонов, сирдарёлик Шоҳжаҳон Ортиқов, наманганлик Рустам Умаров, фарғоналик Бобур Тўхтасинов ҳам ўз вазн тоифасида биринчи ўринни эгаллади.

— Спорт ёшларимизнинг сеvimли машғулотига айлانгани биз, мураббийларга жаҳон майдонларида юқори натижаларни қайд этишга қодир истеъдодлар-

ни танлаб олиш учун кенг имконият бермоқда, — дейди турнир бош ҳаками, белбоғли кураш бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси бош мураббийи Усмон Маҳаматов. — Паркентда анъанавий тарзда ўтказилаётган бу турнирда атоқли полвонлар қаторида иқтидорли ёшлар ҳам ўзини кўрсатди. Улар, албатта, халқроқ микёсдаги мусобақаларда ҳам юртимиз шарофтини муносиб ҳимоя қилдилар.

Турнир якунида голиб ва совриндорларга ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари тақдим этилди.

Оҳангарон туманида Болғали қишлоғи бор. Чоқол тизмаларига уланб кетадиган қир-адирларда ястанган бу маскан яқинда от спортини ишқибозларини бағрига чорлади.

МАРАФОНЧИ ОТЛАР БЕЛЛАШДИ

Айни ҳудудда марафон шаклидаги халқаро мусобақа ўтказилди. Туркистон юлдузи деб номланган халқаро мусобақада қўшни давлат вакиллари ҳам иштирок этди. Тадбирнинг довуғини эшитиб, айтилган жойга бордик. Дастлаб атиги 8 та отлич мусобақалашаётганини кўриб, мақоми халқроқ, ўзи беҳроқ бир тадбир экан-да, деган ўй туғилди. Кейин...

— Биласизми, от шундай бир жониворки, одатий вазиятда дақиқасига 34-35 марта юрак уриши кузатилади. Чопганда эса бу кўрсаткич 270 дан ортади. Демокчимизки, ҳамма отлар ҳам марафонда чополмайди, — жиддий билан марафонни кузатаётган, саволларимга шошиб, узоқдаги чопонлардан кўз узмай жавоб бераётган суҳбатдошим Ўзбекистон Республикаси От етиштирувчилари ва от спортини Ассоциацияси вилоят бўлими раиси ўринбосари Шухрат Латифов бўлади. — Ўзингиз ўйланг, 20, 40, 60 километрга узлуксиз чопадиган от қандай бўлиши керак? Чидамли, бақувват, зотдор отларгина бу мусобақага ярайди...

Отлар ҳар сафар белгиланган чамбарақни айланиб, маълум масофани босиб ўтганда ветеринар отга дам бериб, юрак уришини текширади. Отнинг юрак дукури белгиланган меъёрдан ошса, мусобақадан чиқарилади. Шу тариқа, жонивор жабр кўрмаслиги таъминланади. Шу кунни ҳам мусобақани 4 та от мuddатидан аввал якунлади. Аниқроғи, дастлабки марра — 20 километрга, иккинчи марра — 40 километрга тайёргарлиги суут бўлган иштирокчилар ветеринар тавсиясига биноан, кейинги босқичга ўтказилмади.

Шу кунни мусобақани томоша қилиш мақсадида ўнга яқин давлатдан от спортини ишқибозлари келди. Шунингдек, юзлаб маҳаллий мухлислар ҳам мазкур мусобақа жозибасидан баҳра олдилар.

Бекзод ҚОБУЛОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Ҳафтанинг
чоршанба ва
шанба кунлари
чиқади.
14 270 нусхада
чоғ этилди

Қабулхона:
Бош муҳаррир ўринбосари:
Масъул котиб:
Бўлим муҳаррирлари
Шартнома ва эълонлар:
Ҳисоб-китоб бўлими:

Телефонлар:
233-58-85 (факс)
233-70-10
233-12-83
233-38-23, 233-48-08
233-65-59
233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида
2011 йил 12 январда
03-001 рақами билан
рўйхатга олинган.
Газета "Тошкент ҳақиқати" таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Масъул котиб
Зоҳир ТОШХҲАЕВ
Назоратчи мусавхх
Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАХМУДУХҲАЕВ